

8-синф

ЎЗБЕК ТИЛИ

5-вариант

№ 1. Қуйидаги гапларнинг қайси бирида олмош берилмаган?

- а) Ўз ошим, ғавғосиз бошим.
- б) Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.
- в) Унинг ўзи ёш, лекин зийрак бола.
- г) Фарида бўлган воқеани айтиб берди.

№ 2. Олмош қатнашган гапни белгиланг.

- а) Комил бешинчи синфда ўқийди.
- б) Чумчуқлар шоҳдан шоҳга сакраб чирқиллайди.
- в) Бу йил минг гектарга чигит экдик.
- г) Ахмад бароқ мушугини жуда яхши кўради.

№ 3. Мураккаб феъл кесимни белгиланг.

- а) ўрnidан
- б) у
- в) одамлар
- г) турмоқчи бўлди

№ 4. Хар нима бўлганда ҳам аёл - онанг гапидаги остига чизилган сўз олмошнинг қайси турига киради?

- а) бўлишсизлик олмоши
- б) гумон олмоши
- в) белгилаш олмоши
- г) кишилик олмоши

№ 5. Берилган кўшма феълларнинг қайси қатори хато ёзилган?

- а) айтди, кўя қолди, бораверди
- б) тасдиқ қилди, шод этди
- в) ох тортди, ҳурмат қилди
- г) келди-кетди, йиғлағудай бўлди

№ 6. Хабар майлидаги феълни белгиланг.

- а) бomoқчи эди
- б) ишлай
- в) айтдим
- г) кўрса

№ 7. Буйруқ-истак майлидаги феълни белгиланг.

- а) уқди
- б) ўқигин
- в) келса
- г) санасак

№ 8. Равиш сўз туркумига оид сўзни белгиланг.

- а) Собир
- б) қайтди
- в) уйга
- г) шоша-пиша

№ 9. Қайси қатордаги гапда таклид сўз иштирок этганини аниқланг.

- а) Эҳ, тоғ халқининг тўйини кўрмабсиз.
- б) О, қандай бахтли инсонман!
- в) Бир томонда чарс-чурс билан гулхан ёнади.
- г) Япроқлар тўкила бошлади.

№ 10. Битишув муносабатли бирикмани топинг.

- а) тиниқ осмон
- б) уйдан чиқиш
- в) дафтарга ёзиш
- г) даладан қайтиш

№ 11. Қуйидаги гапдан эга ва кесим вазифасида келган сўзни аниқланг.

- Мен дарсдан кейин кутубхонага бораман.
- а) мен бораман
  - б) кейин бораман
  - в) кутубхонага бораман
  - г) дарсдан кейин бораман

№ 12. Қуйидаги гапда эга вазифасида келган сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланган?

- Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин.
- а) олмош билан
  - б) от билан
  - в) отлашган сифат билан
  - г) ажралмас бирикма бўлан

№ 13. Қуйидаги гапдан қаратқич аниқловчини белгиланг.

- Йўқолган пичоқнинг сопи - олтин.
- а) олтин
  - б) сопи
  - в) йўқолган
  - г) пичоқнинг

№ 14. Вазият ҳолини белгиланг.

- а) дўстларча
- б) орқадан
- в) бир қултум
- г) бугун

№ 15. Изоҳловчини белгиланг.

- а) ошпаз Карим
- б) отнинг жилови
- в) жамоа хўжалиги
- г) олтин қалит

№ 16. Ўзлаштира гап қаторини айтинг.

- а) Насиба оёқлари совуқдан зирқираб оғриётганини айтди.
- б) Ўқувчилар газета ва журналларга обуна бўлмоқдалар.
- в) Замира синфдошлари ҳақида тўлиб гапирди.
- г) Болалар, кўча қодаларига риоя қилинг.

№ 17. Тўлиқсиз гапни аниқланг.

- а) Одина бугун қаёққа бормоқчисан?
- б) Зулфия узоқ ўйланиб ўтирди.
- в) - Мактабга.
- г) Сизнинг аризангизни мажлисда кўриб чиқамиз.

№ 18. От-кесим ишлатилган гапни топинг.

- а) Комил калласини қимрлатди.
- б) У узоқ ўйланиб қолди.
- в) Хонтахтага гул кўйдим.
- г) Фарзанд гулдир, она бир бўстон.

№ 19. Кўмакчилар ёрдамида боғланган уюшиқ бўлакли гапни топинг.

- а) Козимбек ўрнидан турди, зинанинг бошига борди-ю, тушмади.
- б) Ҳирот ҳар кунги дарди, нашъаси, машаққати билан яшайди.
- в) Она саҳаргача ўтириб чикди, лекин толиқмади.
- г) Йўлчи бошини қимрлатди-да, жим ўтира берди.

№ 20. Ишоравий белги нотўғри қўйилган гапни аниқланг.

- а) Навоий севги ва садоқатни улуғловчи, инсоний фазилатларни ардоқловчи фикрлари биз, ҳозирги авлод учун, ғоят қимматлидир.
- б) Бундан қирқ тўққиз йил муқаддам 1947 йилда, А. Навоий ҳақидаги фильм экранларга чикди.
- в) Ғалаба байрами арафасида мен бу кишини, Содик акани, учратиб қолдим.
- г) Бояги йигитнинг, Авазнинг, қўли гул экан.

### Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 20

баллари	баҳо
0-7	«2»
8-11	«3»
12-14	«4»
15-20	«5»